



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 12 июль, № 142 (7100) Пайшанба

Сайтимиёга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Юқори даражадаги хизмат учун янги имкониятлар

Нукус халқаро аэропорти реконструкция ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этди. Натижада соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди.

Айтиш жоизки, ушбу терминалда амалга оширилган бунёдкорликлар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, аэропортлар инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича рўйга чиқарилган навбатдаги лойиҳадир.



### Бунёдкорлик



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ернязов ва бошқалар мамлакатимизда бундай хайрли ангилликлар деярли ҳар куни рўй бераётгани, ушбу жараёнлар келгусида ҳам

изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидладилар. — Терминал йўловчилар ва уларнинг юқори халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконини берувчи энг замонавий жиҳозларга эга, — дейди Нукус халқаро аэропорти йўловчиларни ташвиш хизмати бошлиғи Қонис Нуратдинов. — Бундан ташқари,

авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш учун замонавий муҳандислик ва технология линиялар ўрнатилди. Парвозолди назорати ва юк олиш майдонлари кенгайтирилди, рўйхатдан ўтиш устунлари кўпайтирилди. Маҳаллий ва халқаро авиайўналишлар учун йўловчилар зали, оналар ва болалар хонаси, тиббиёт пункти,

валюта айирбошлаш шохобчалари, совғабоп маҳсулотлар дўконлари, кафе-бар йўловчилар хизматида. Терминалнинг янги дизайни худуднинг иқлим шароити инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилгани диққатга сазовор. (Давоми 4-бетда).

### Эксклюзив интервью



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашлари депутатлари билан 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган учрашуви ҳамда унда парламент палаталари ва барча депутатлар корпуси фаолиятининг таҳлилига, истиқболдаги вазифаларга бағишланган маърузасига бир йил тўлди.

## Ислоҳотларга қонуний асосни парламент яратади

Мамлакатимизнинг барча худудда намойиш этилган ушбу тадбир ҳамда унда янграган маърузани сиёсий партияларнинг ўн минглаб фаоллари, шунингдек, барча даражадаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари эшитиш имконига эга бўлди. Унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон сиёсат майдонидagi барча сиёсий кучлар фаолиятининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ушбу соҳада эришилган натижалар ҳусусида бўлди.

— Сиз тилга олиб ўтган ушбу воқеа муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, аслида мамлакатимиз Конституциясининг асосий қоидаларини амалда рўйга чиқарилиши билан узвий боғлиқдир. Давлат ҳокимияти органлари келишилган ҳолда фаолият кўрсатишини ва ҳамкорлигини таъминлашга

доир ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириш асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимият барча тармоқларини янада такомиллаштиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг ўтган йил 12 июлдаги маърузасида ҳокимият вакилик органларини яқин истиқболда сиёсий жиҳатдан модернизация қилишнинг асосий қоидаларини, шунингдек, ушбу органлар фаолиятининг замон талабларига монанд бўлишини таъминловчи вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси мамлакатимиз ҳаётидаги ўта долзарб ташаббуслар замирида таркиб топган бўлиб, бу ташаббусларнинг амалга оширилиши миллий сиёсий тизимимиз мутлақо янги, юксаккор ривожланиш босқичига ўтишини аниқлади.

Шуни таъкидлаш кераки, 2017 йил 22 декабрда Президентимизнинг мамлакат Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси 2017 йил 12 июлдаги маърузада баён этилган ислоҳотларга юз тутган қоидаларнинг мантиқий давоми бўлди. Кенг жамоатчиликнинг эътиборига ҳавола этилган ушбу тарихий Мурожаатнома Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий парламентаризм тизимининг ҳолати ва истиқболларини, сиёсий институтлар фаолиятини демократлаштириш жараёнларини ҳамда сиёсий воқеликни стратегик жиҳатдан кенг кўламли қай тарзда тасаввур этишини ойдинлаштириб берди.

Президентимизнинг 2017 йил давомда депутатлар корпусига йўллаган ушбу икки мурожаати Ўзбекистонда демократик ҳукуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим ўрин эгаллади ҳамда Президентимизнинг парламент фаолиятига бўлган жиддий эътибори ва муносабатини белгилаб берди. (Давоми 2-бетда).

### "Халқ сўзи" учун махсус

## Хитой — Ўзбекистон алоқаларини янада мустақкамлашда ёшлар муҳим ҳаракатлантирувчи куч

Ёшлар қалби истиқболли гоёларга лиммо-лим. Уларда янгилик яратишга бўлган интилиш руҳи доимо жўш уради. Ўсиб келаётган авлод — жамиятнинг давлат қурилиши фаолиятидаги энг кучга тўлган, креатив ва ижодий таркибий қисми. Бу мамлакат келажаги, миллат умидидир.

Хитойда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Давлатларимиз раҳбарлари уларнинг камол топишига катта эътибор қаратаяпти, ғамхўрлик кўрсатиб, фаол қўллаб-қувватламоқда. ХКП 19-Бутунхитой съезида ХХР Раиси Си Цзиньпин ёш авлодга юксак гоёлар ва катта иқтидор борлигини қайд этар экан, агар улар масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олсалар, мамлакатни ёшлар келажаги, халқни эса ажойиб истиқбол кутишини таъкидлади. Хитой етакчиси фикрича, ёшларнинг кенг қатлами юксак гоёлар ва ишончли мустақкамлашга, узокни ўйлаб ҳаракат қилиши, ўз ишини чин дилдан бажариши, даврнинг жасур бунёдкори бўлиши, халқ манфаати учун доимий куч-

раш йўлида таржимаи ҳолига ёрқин саҳифаларни битиши лозим. Ўз навбатида, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида мамлакат ёшларини мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиши, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлат ва жамият бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлаганди. Яқинда Ўзбекистон тарихида илк бор "Ёшлар куни" кенг нишонлангани ҳам навқирон авлодга берилган юксак эътибордан далолатдир. (Давоми 2-бетда).

Жаҳон банки президенти Жим Ён Кимнинг Америка Қўшма Штатларининг нуфузли «Foreign affairs» журнали сайтыда чоп этилган таҳлилий мақоласи

## ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

Қандай қилиб ҳукуматни инсон капиталига сармоя йўналтиришга ишонтириш мумкинлиги ҳақида.

Ҳукумат иқтисодий ўсиш таъминлашга интилар экан физик капитал — муҳташам кўприклар, янги йўллар, замонавий аэропортлар ва бошқа инфратузилмаларни барпо этишга инвестиция киритишга эътиборни қаратади. Одатда, улар аҳоли саломатлиги, билим ва кўникмалари, тажриба ва турмуш тарзини ўзда мужассам этган инсон капиталига инвестиция киритишдан унчалик манфаатдор эмас. Бу катта хато, негаки, инсон капиталига инвестиция киритишга нисбатан бепарволик мамлакат рақобатбардошлигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Зеро, мамлакат иқтисодий жиҳат-

дан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади. Жаҳон банки гуруҳининг бутун фаолияти давомида экспертларимиз иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилувчи, одамларга камбағалликдан халос бўлишга ёрдам берувчи ҳамда ривожланаётган мамлакатлар тараққийтига сармоя киритиши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатни ўрганди. 2003 йилда банк «Doing Business» номи ил йиллик ҳисоботини чоп этган ва унда солиққа тортишдан то шартномаларни бажаришгача бўлган ҳар бир мезон бўйича мамлакатларнинг қийсий таҳлили ўтказилган эди. Ҳисобот хулосаларини ин-

кор этишнинг имкони йўқ. Сабоби давлат раҳбарлари ва молия вазирлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар камийиши мумкинлиги билан боғлиқ таваккалчиликка дуч келди. Чунки компаниялар энг мақбул ишбилармонлик муҳитига эга мамлакатларга сармоя киритишга афзал билади. Кейинги 15 йилда «Doing Business» ҳисоботлари 3180 дан ортиқ ислоҳотни амалга оширишга кўмаклашди. Бугунги кунда банк худди шундай ёндашувни илгари сурган ҳолда, ҳукуматларни инсонларга сармоя киритишга даъват этмоқда. Жаҳон банки гуруҳи вакиллари инсон капитали ходимларининг кейинги авлоди иши са-



Жаҳон банки президенти Жим Ён Ким

марадорлигига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш индексини ишлаб чиқмоқда. (Давоми 3-бетда).

### Конунчиликдаги янгиликлар

## Савдо-саноат палатасининг фаолият қамрови кенгайди

Янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бозор инфратузилмаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг таъсирчан механизмларини яратиш, тадбиркорлар муаммоларини ортиқча сансалорликлар ва бюрократиясиз тезкорлик билан ҳал қилиш Қонуннинг асосий мақсади бўлиб, экспертларнинг фикрича, янги ҳуқуқий қоидалар мамлакат иқтисодиётида нодавлат секторнинг ролини янада оширишга хизмат қилади. Мухбиримиз ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида парламент аъзолари, экспертлар фикрлари билан қизиқди.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда 230 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритади. Утган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМ таркибидagi улуши 53,3 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).

### Технология

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Ўзбекистонда атом электр станцияси барпо этиш борасидаги ташаббуси бутун халқимизнинг руҳини кўтариб юборди. Атом энергияси ҳақида сўз юритишдан олдин бир жиҳатга эътибор қаратсак. Инсон ҳаётида яшаш учун тўртта омил мавжуд: сув, энергия, озик-овқат ва саломатлик.

## Келажак энергияси мамлакатнинг тинч тараққийтига хизмат қилади

Ана шулар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳаммаси ечилган бўлганда бошқа муаммолар бўлмастди. Ҳозирги пайтда сув таъминоти, айниқса, ичимлик суви, энергия таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда қарийб 33 миллион нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, ўтган чорак аср давомида амалда бирорта ҳам қудратли электр энергия станцияси қурилган эмас. Демак, одам бошига ҳисоблаганда энергия таъминоти тахминан 30 фоиз камайди. Биз иқтисодиётимизни тубдан ривож-

лантириш, янги қувватлар барпо этишга бел боғлаяпмиз. Буларнинг барчаси энергияни талаб қилади. Шундай экан, ўзимизда мавжуд бўлган уран хом ашёсига таяниб атом электр станцияси қуришга қарор қилингани айни муддаодир. Ҳаётимизни энергиясиз бир тасаввур этиб кўринг. Уси ҳаёт тўхтаб қолиши мумкин. Кенг миқёсда олганимизда углеводород хом ашёси, гидроэнергия таъминоти, ниҳоят атом энергетикасидан иборат. Қуёш энергияси ҳақида гапирамиз. Лекин унинг фойдали иш ко-

Тасаввур қилинг, ураннын 20 граммлик таблеткаси 520 килограммлик кўмирнинг қувватини беради. Агар биз мазкур масалани хал қилишга бугундан киришмасак, келажак авлод бизни кечирмайди.



эффиенти 15 фоиздан ошмайди. Кўмирдан олинаётган самарадорлик ҳам анча паст. Шу жиҳатдан олганда, энг ишончли, кафолатли ва хавф-

сиз энергия атом энергияси эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. (Давоми 2-бетда).



# ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

## Қандай қилиб ҳукуматни инсон капиталига сармоя йўналтиришга ишонтириш мумкинлиги ҳақида.

(Давом. Бошланиши 1-бетда.)

Индекс шу йилнинг октябрь ойида Баалида бўлиб ўтадиган Жаҳон банки гуруҳининг йиллик йиғилишида тақдим этилади. Унда бугун дунёга келган бола 18 ёшга етганда умид қилиши мумкин бўлган саломатлик ҳолати, шунингдек, таълимнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари эга аста.

Олимлар инсон капиталини ривожлантиришнинг афзалликлари ҳақида кўп нарсаларни билади. Бироқ бу ривожланган давлатларнинг шу йўналишдаги ҳаракатларини жадаллаштиришга ишончли даъват бўла олмайди.

Сўнги ўттиз йилда бой ва қашшоқ мамлакатларда ҳаёт давомийлиги бир-бирига яқинлаша бошлади. Таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ортди. Бироқ муаммолар шу билан барҳам топмади. Беш ёшгача бўлган болаларнинг қарийб тўртдан бири тўйиб овқатланмади, 260 миллиондан зиёд бола ва ёш мактабда ўқимайди, ривожланаётган мамлакатларда мактаб ёшидаги кичик болаларнинг 60 фоизда ҳамон минимал таълим олиш имконияти мавжуд эмас.

### Инсон салоҳиятининг аҳамияти

Инсон капиталининг аҳамиятини бир неча турли усулларга асосан баҳолаш мумкин. Аёнана кўра, иқтисодчилар буни кўпроқ таълим олган одамларнинг даромади билан ҳисоблар эди.

Тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоизга оширишни кўрсатди. Бунда таълим сифати ҳам муҳим. Мисол учун, АКШда бошлангич мактабнинг алоҳида синфида малакаси паст ўқитувчини ўрта даражадаги мутахассисга алмаштириш ўқувчиларга бутун умри давомида 250 минг долларгача умумий даромад олиш имконини беради.

Аммо когнитив имкониятнинг инсон капиталининг ягона кўрсаткичи эмас. Мардик, ирода ва ҳалоллик каби ижтимоий-ҳиссий кўрсаткичлар, одатда катта иқтисодий самарадорлик келтиради. Соғлиқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, соғлом инсонларнинг меҳнат самарадорлиги юқори бўлади.

Мисол учун, 2015 йилда Кенияда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, болаларга нархи атиги 30 центга тенг гелминтларга қарши дори воситаларини бериш мактабда дарс қолдирилгани камайтиришга, кейинчалик эса мустақил ҳаётга кадам қўйганда ойлик маошининг жами 20 фоизга ошишига олиб келди.

Эрта ёшдан инсон капиталини турли йўللار билан ўлчай бериш яхши самара беради. Болани гулдакдан тўғри овқатлантириш, соғлом ривожланишини рағбатлантириш кейинчалик унинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини яхшилайд.

Айни пайтда болаликда когнитив ва ижтимоий-ҳиссий имкониятларда йўл қўйилган айрим камчиликларни балога тўғри етганда тузатиш қимматга тушади. Шунинг учун ҳукумат томонидан инсон капиталини бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунлигида ривожлантириш иқтисодий самара беради.

Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш билан нечоғли боғлиқ? Биринчидан, инсон капиталига индивидуал сармоялардан олинган фойда қўшилса, умумий самара алоҳида қисмлар миқдоридан кўпроқ эканлиги аён бўлади.

Кениядаги мактаб ўқувчиларига қайтадан бўлса, биринга боланинг гелминтлардан халос бўлиши бошқа болаларнинг зарарланши эҳтимолини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажақда яхши ўқиши ва улгайган нисбатан катта маош олишига олиб келади.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг айрим афзалликлари жамланб, сармоя киритилаётган авлод билангина нечкани қолмайди. Масалан, онанинг фарзанднинг перинатал парвариси ҳақидаги билиминини бойитиш болаларнинг гулдакдан соғлигини яхшилашга хизмат қилади.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишни кўрсатди.

Мисол учун, XIX аср ўрталардан Бразилия зиёли европаларининг Сан-Паулога иммиграциясини рағбатлантирган. Натижада 100 йилдан сўнг бу штатда юксак даражадаги таълим, қишлоқ хўжалигига нисбатан санаотда кўпроқ бандлик, шунингдек, аҳоли жон бошига янада юқори даромад кузатилади.

Айниқса, таълим катта самарадорлик келтиради, шунинг учун у қашшоқлик қўламини қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Буни Гана тарихи ҳам тасдиқлайди: 1990 йилларда ва

2000 йиллар бошида мамлакат таълимга кетадиган харажатлар миқдори икки баробар кўпайтириш орқали асосий кўрсаткичларни кескин оширишга муваффақ бўлди. Натижада 1999 йилдан 2012 йилгача мамлакатда саводхонлик даражаси 64 фоизга етди, қашшоқлик даражаси эса 61 фоиздан 13 фоизга тушди.

Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин. Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда туғилган фарзандлар болаликдан кенг имкониятлардан фойдаланиши бошлайди ва бу бутун умри давомида қатор афзалликларга олиб келади, аксинча, ночорроқ оилалар фарзандлари бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.

Бундай муаммони ҳукумат томонидан ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилганда иқтисодий тенгсизликнинг қисқариш тенденцияси кузатилади. Шимолий Каролинада ўтказилган тадқиқот агар Қўшма Штатлар болаликдан кенг имкониятлардан фойдаланиши бошлайди ва бу бутун умри давомида қатор афзалликларга олиб келади, аксинча, ночорроқ оилалар фарзандлари бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.

Инсон капиталига сармоя киритишдан жамият ҳам катта манфаат куради. Узлуқсиз мактаб таълими турли жиноятлар содир этилиши эҳтимолини камайтиради.

2017 йилда Либереяда наркотиклар савдоси билан шуғулланувчилар, ўғрилар ва жиноятга мойил бошқа эркаклар когнитив-ахлоқий терапияга йўналтирилиши бўйича тадқиқот ўтказилган. Бу улarga ўз ҳиссий ҳолатини англаб етиш, ўзини идора этишни яхшилаш ва мураккаб вазиятларда тўғри йўл тутиш каби кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутиган. Ушунингдек, улар анча сарбли ҳам бўлади: тадқиқотлар йиғирманчи аср ўрталарида Европада амалга оширилган мактаб ислохотлари одамларнинг мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган.

Инсон капитали шахнинг жамият ҳаётида иштирок этиши билан боғлиқ. 1970 йилнинг ўрталарида Нигерияда умумий бошлангич таълим жорий этилиб, болаларнинг катта қисми бошлангич мактабларга қамраб олинди. Бир неча йил ўтиб, бу йилгити ва қизлар янгиликлар билан қизиқиш, тенгқурлиги билан сиёсат ҳақида сўхбат қилиш, палата йиғилишлари ва сайловларда иштирок этишни бошлади.

Инсон капиталига инвестиция киритиш инсон даражасини ҳам оширади. Уқимишли инсонлар бошқаларга кўпроқ ишонади, инсон даражаси баланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Шунингдек, улар анча сарбли ҳам бўлади: тадқиқотлар йиғирманчи аср ўрталарида Европада амалга оширилган мактаб ислохотлари одамларнинг мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган.

### Аён бўлган ҳақиқатлар

Инсон капитали ўз-ўзиндан юзга чиқмайди, у давлат томонидан ривожлантирилиши лозим. Хусусан, кўпинча инсон камолоти учун инвестиция киритиш ва бу сармоянинг бошқаларга ҳам тарқалиши омили инобатга олинмайди.

Масалан, ота-оналар ўз фарзандининг гижжасини давлолаш ҳақида қарор қабул қилар экан, аввало, унинг саломатлиги ҳақида қайғуради. Бироқ бу ҳаракатлар бошқа болаларнинг касалланиши хавфини камайтиришни эсламайди.

Еки фарзанднинг боғчадаёқ кўпроқ билимга эга бўлиши учун пул сарфлаётган ота-оналарни олайлик. Улар шу орқали келажақда жиянотликнинг камайиши ва маҳбуслар сонининг қисқариши сингари янада кенгроқ ижтимоий аҳамиятга таъсир кўрсатаётганини эътиборга олайди.

2010 йилда Мичиганда ишлаб чиқилган мактабгача таълим дастурларидан бирининг самарадорлиги ўрганилганда сарфланган ҳар бир доллар жамиятга 7 доллардан 12 долларгача фойда бўлиб қайтгани аниқланган.

Баъзи ҳолларда жамиятда қабул қилинган нормалар ота-оналарни ўз фарзандига сармоя киритишдан қайтарди. Ота-оналарнинг ўлига қиз фарзандидан кўра кўпроқ эътибор қаратиши аввалдан маълум. Бироқ ушбу қисмити таъсири келгусида кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масалан, Хиндистон ҳукуматининг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатда 21 миллионга яқин ана шундай «исталмаган қизлар» мавжуд. Бу қизлар ҳам саломатлик, ҳам таълим нуқтаи назаридан ота-онасидан камроқ эътибор куради.

Бошқа ҳолатларда оилалар ўз болаларига сармоя киритишни истаيدди, бироқ бунга қурби етмайди. Камбағал ота-оналарда истеъдодли болаларини мактабда ўқитишга пул тўлаши учун кредит олиш имкони йўқ. Ҳатто таълим бепул бўлган тақдирда ҳам улар

транспорт ва мактаб харажатлари учун пул топиши зарур. Бола оилага қўшимча даромад келтириши учун ишлаши ва шу боисдан мактабда ўқий олмаслиги билан боғлиқ ҳолатларни айтмасан ҳам бўлади.

Ҳукуматларнинг инсон капиталига инвестиция киритиши муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, сиёсатчилар кўпинча бунга қарши турадилар. Амалдорларда ўзини оқлашга бир неча ўн йиллар талаб этакдан дастурларни қўллаб-қувватлаш учун рағбатнинг ўзи йўқ.

Мисол учун, эпидемия мавжуд бўлмаган ҳолатда сиёсатчилар жамиятдаги соғлиқни сақлаш аҳолига эътиборни сусайтириши мумкин. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар солиқларни ошириш ёки янада муҳимроқ харажатлар, хусусан, ин-

Дастур тиббий сугуртага эга бўлмаган оилаларга уни олишда ёрдамчи даромад келтириши учун ишлаши ва шу боисдан мактабда ўқий олмаслиги билан боғлиқ ҳолатларни айтмасан ҳам бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда тобора кўпроқ аҳоли соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг яхшиланиши талаб қилади. Масалан, Перуда фуқаролик жамияти гуруҳлари томонидан ташкил қилинган ташвиқот тад-

да. Бу таҳлил ҳукуматларни ҳаракат қилишга ундайди. Жаҳон банки гуруҳи томонидан инсон капиталининг асосий жиҳатларини қамраб олиш учун ишлаб чиқилаётган кўрсаткичлар мантиғи ана шундай.

Ушбу ўлчов инсон капиталига сармоя самарасиз бўлган мамлакатлар учун даъват бўлиб қилиши мумкин. Биз ўз ҳаракатларимизни соғлиқни сақлаш ва таълимга йўналтирамиз, асосларни ўрганиб борамиз. Ҳозир туғилган болалар мактаб ёшигача яшай олармикан? Агар яшаб қолса, мактабга бора олармикан? Улар неча йил ўқийди? Урта мактабни битиргунча улар соғ-саломат, келгуси ўқиш ва ишга тайёр бўла оладими?

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилиши керак. Бенин, Буркина-Фасо ва Кот-д'Ивуарда бугун туғилган болаларнинг 10 фоизи ўзининг бешинчи туғилган кунини ҳеч қачон кўрмайди.

Жанубий Осиёда сурункали тўйиб овқатланмаслик натижасида беш ёшгача бўлган болаларнинг учдан бир қисминдан кўпроғи ўз ёшига нисбатан паст бўлиб бўлиб, бу мия ривожланишига путур етказиши ва ўқиш лаёқати-га жиддий тўсқинлик қилади.

Бу таълим соҳасига ҳам тегишлидир. Таълимнинг аҳамиятини яхшироқ англаш учун Жаҳон банки гуруҳи ЮНЕСКОнинг Статистика институти билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ўлаштиралини баҳолаш натижалари бўйича янги маълумотлар базасини ишлаб чиқди.

Биз 150 дан зиёд мамлакатни қамраб олувчи бир неча йиллик тест дастурлари натижаларини PISA баҳолиги билан қиёслаш мақсадида мувофиқлаштирдик. Маълумотлар базаси таълим соҳасида улкан муаммолар борлигини кўрсатди: ривожланаётган мамлакатларда ўқувчиларнинг қарийб 50 фоизи «профессионалликнинг энг паст даражаси» деб аталадиган муаммага дуч келади.

Сингапурда ўқувчиларнинг 98 фоизи, Жанубий Африкада 26 фоизи урта мактабда халқаро баъазий даражага эришади. Бошқача айтганда, Сингапурда урта мактаб ўқувчиларнинг деярли барчаси дунёнинг исталган жойида ишлаш учун етарли малакага эга. Жанубий африкалик ёшларнинг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз. Бу инсон салоҳиятини йўқотиш.

Болалар мактабни битирар экан, қайси мамлакатда яшашига қараб соғлиқ борасида мутлақо турли истиқболларга дуч келади. Дунёнинг энг бадавлат мамлакатларида 15 ёшли ўсмирларнинг қарийб 5 фоизи ўзининг 60 йиллигини қаршилай олмайдди. Қашшоқ мамлакатларда 15 ёшли ўсмирларнинг 40 фоизи 60 ёшгача вафот этади.

Ушбу фактлар турли мамлакатларда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида улкан тафовутлар борлигини кўрсатади. Биз инсон капиталининг турли жиҳатларини бирлаштириш учун Жаҳон банки гуруҳида уларни ягона индексга йиғамиз. Ушбу индексларнинг келгуси авлоди меҳнат самарадорлигини пасайиши нуқтаи назаридан инсон капиталига инвестиция киритмаслик оқибатларини намоян этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда инсон капиталига энг кам сармоя киритилаётган мамлакатларда келгусида иши қилинган самарадорлиги, агар одамлар тўлиқ соғлом бўлиб, сифатли таълим оلسа, эришиш мумкин бўлган кўрсаткич сезиларли пасайиб кетади.

Шу тарафда инсон капиталига сармоядан олинган иқтисодий фойдани ўлчай соғлиқ ва таълим яхшиланишининг ижтимоий ва ички қийматини камайтирмайди. Молия вазириликнинг одатда, инсон капиталига сармоя киритишдан кўра, ўз мамлакатининг қарзлари ҳақида кўпроқ қайғуради.

Жаҳон банки гуруҳи инсон капиталига сармоя қилиш таъсирининг ижобий натижаларини тарғиб этиб, сиёсатчиларни нафақат банк ҳисоб рақамлари, балки мактаблар ва касалхоналардаги ҳолатлар ҳақида ҳам қайғуришга руҳлантириш мумкин. Шунингдек, индекс инвестициялар даражаси пасайиб бораётган мамлакатлар учун ҳаракатга даъват бўлади.

«Doing Business» ҳисоботидадан куринадик, кенг қўламли ўлчовлар ҳолатида ҳам ислохотлар ҳар доим амалга оширилмайдими. Юқоридаги индекс давлат раҳбарлари ва молия вазирилик олдига кўз юмиб бўлмайдиган малака қўяди.

Мамлакатларнинг қиёсий таҳлили — бу фақат дастлабки кадам. Агар ҳукуматлар инсон капиталига қандай сармоялар самара олиб келишини аниқлаши амалда бўлса, инсон капиталини ривожлантиришга кўмаклашувчи турли омилини ҳисобга олиши зарур бўлади.

Энг яхши кўрсаткич бу ижтимоий фаровонлик бўлиб, у кўп ҳолларда етарли даражада молиялаштирилмайди. Жаҳон банки гуруҳи амалий фойда келтириши мумкин: турли ҳамкорларнинг ҳаракатини мувофиқлашти-

ришга кўмаклашиш, умумқамровли ахборотларни тўплаш, сиёсатчиларга маслаҳат бериш, техник ёрдам кўрсатиш ва самарали чораларни ишлаб чиқарга кўмаклашиш.

### XXI асрда инсон капитали

Инсон капиталининг ривожланиши одамлар, иқтисодиётлар, жамиятлар ва бутун дунёда барқарорлик учун аҳамиятга эга. Бу келгуси авлодлар учун ҳам муҳимдир.

Мамлакатлар инсон капиталига самарали инвестиция қила олмас экан, айниқса, камбағаллар учун катта харажатлар юзга келади. Ушбу харажатлар келгуси авлодларни оғир аҳолга солиб қўяди.

Катта харажатларни талаб этувчи технологик тараққиёт туфайли фуқаролари самарали турмуш кечириши учун замин яратишга қодир эмаслик, нафақат юқори харажатлар билан бирга кечеди, балки жиддий тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу эса хавфсизликка ҳам таҳдид солади, зеро, қондирилган талаблар тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкин.

Энг яхши маълумот — жавобнинг бир қисми, фақат бир қисми, ҳолос. Биринчидан, агар маблағ етарли бўлмаса, ҳукумат сифатли хизмат кўрсата олмайди. Шу тариқа инсон капиталига сурункали тарзда инвестиция киритмайдиган мамлакатлар солиқ нуқсонлари ва истисноларни бартараф этишга, тушумлар йиғилишини яхшилашга ва харажатларни қайта йўналтиришга мажбур бўлади.

Масалан, Миср ва Индонезия сўнги йилларда энергетик субсидияларини кескин камайтирди ва ушбу ресурсларни ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга қайта йўналтирди.

2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда тамаки маҳсулотларига солиқлардан олинган даромад Филиппинга солиқни сақлаш департаменти бюджетини ҳамда тиббий сугурта билан қамраб олинган аҳоли улушини уч баробар ошириш имконини берди.

Америка Қўшма Штатларининг Филадельфия шаҳри газли ичимликлардан ундирилган солиқни мактабга-ча таълимни молиялашда фойдаланишга интилоқда.

Аммо молиялаштириш ҳажминини оширишнинг ўзи етарли эмас. Айрим мамлакатлар ижтимоий хизматлар сифатини сақлаган ҳолда, уларнинг самарадорлигини ошириш устида ишлашга мажбур. Масалан, Жаҳон банки гуруҳи томонидан яқинда Бразилияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳаллий даражада соғлиқни сақлаш секторида самарадорликнинг оширилиши ЯИМнинг тахминан 0,3 фоизига тенг тежамкорлиқни таъминлаши мумкин.

Бошқа айрим мамлакатларда рақобатлашувчи томонларнинг манфаатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чилининг таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги кўп йиллик тажрибаси асосий мақсадлардан бири: бутун эътиборни таълим ҳамма учун қондоғисига қаратиш йўлида сиёсий ақолициялар тузишнинг муҳимлигини кўрсатди.

2004 йилда мамлакат ислохотлар ўтказиш ва ўқитувчиларнинг касбаба уюшмаларига ён бериши орқали ўқитувчиларга ҳақ тўлашига эриша олди.

Иш нимадан бошланишидан қатъи назар, энг яхши ўлчов ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алал-оқибат, сиз фақат ўлчай оладиган нарсанингизга тикан қилиб қўйишнинг мумкин.

1949 йилда Жаҳон банки президенти Жон МакКлой шундай ёган эди: «Тараққиёт — бу тахтага чизиш, сўнгра ҳожри таъқча ва доллар билан ҳаётга сөрлий қилиш мумкин бўлган нарса эмас».

МакКлойнинг фикрича, тараққиёт концепциялари ва уларни амалга ошириш ўртасида кўп ҳолларда узиллишлар бўлган. Айнан шу узиллишларни Жаҳон банки гуруҳининг инсон капитали индекси ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлади.

Янги ўлчовлар мамлакатларни имкон қадар тезроқ инсон капиталига сармоя қилишга ишонтиради. Бу барчани келажақ иқтисодиётига — у ерда учраши мумкин бўлган барча нарсаларда рақобатга ва фаровонликка тайёрлайди. Ва бу глобал тизимга барча бирдай амал қилишга кўмаклашади. Инсон капиталига инвестиция қилишга қодир бўлмаслик тараққиёт учун, бутун инсоният учун ниҳоятда қимматга тушади.


Долзарб мавзу

Кексаларнинг ариқ сувида олма ювиб, тандирдан янги узилган кулчани оқиқоқ қилиб еган болалик лаҳзаларини энтикиб эслаган ҳикоялари бугун ёшлар учун галати туюлиши мумкин. Ариқ сувидаям олма ювадимми, нон оқиқадими?..

Сувнинг ҳам тарозиси бор

Ҳозир бу чўпчакдек бир гап. Негаки, бугун ариқ сувида ишониб бўлмайдми, унга кўпчилик ҳолларда касаллик манбаи сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Бу муносабатни ўзимиз шакллантирганмиз.

ариқнинг бошида кимдир юқумли касаллик билан оғриган беморга ишлатилган игнани сувга ташлади, бериқоқда бир болакай бу сувга қўлини ювди. Эки кимдир ўлган товугиними, итиними ариққа оқиқадми, ўласа оқиқиб бориб бир жойга тикилади, сасийди, бижғийди, микроб тарқатуви манбага айланади. Айнан ана шундай ҳоллар оқибатида илгари вабо тарқаб, қанчадан-қанча одамларнинг умрига зомин бўлгани ҳақида тарихдан турли мисоллар келтириш мумкин.



ортимизда сўғориш тизимининг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Агар бунинг олди олинмаса, яқин орада минглаб гектар ерларга сув етказиб бериш жиддий муаммага айланади. Бу борада мутасадди ташкилотлар тартиб-қоида тўғри йўлга қўядиган вақт аллақачон келган.

мизга бу неъматни соф ҳолда етказишни қачон ўйлаймиз?

Президентимиз раислигида жорий йил 29 май куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида сув хўжалиги тизими ходимлари ва фермер хўжалиқларининг масъулиятини ошириш ҳақида сўз борди. 2018 йилнинг ёғи сўғориш даврида кутилаётган сув танқислиги шароитида, ғўза, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш учун ўртага қўйилган масалалардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоятда қатъий чора-тадбирлар белгиланди.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ходимлари экинни сўғориш билан боғлиқ муаммолар, камчиликлар мавжудлигидан ташвишда эканликларини кўп айтишади. Қарвда бўлмасин, қатта-кичик ариқлар ёқалаб юрмаса, уларнинг четларида бирорта дарахт кўрмайсиз. Илгари ёз чилласида сув ортиқча бўлгани кетмаслиги учун ариқ бўйларига қуюқ соя ташловчи толлар экиларди. Кейинги йилларда эса улар негадир аёвсиз кесиб ташланди.

Сувнинг кўп қисми буғланиб етқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш, уни ўғри тақсимлаш сезилмайдми, сўғориш агротехникасига етарлича риоя қилинмайдми. Сувнинг бошидаги фермер ундан хоҳлаганича фойдаланади, пастдаги фермерларнинг экин майдонлари қуриб-қовжирагани билан эса иши йўқ.

Дарҳақиқат, бажарилмаган ишлар кўлами кенг. Ҳар бир кун ва соат ганимат, деҳқончилик вақт кутиб турмайди. Сув тақсимида тўғри режа қилганлар кузда ҳосилдан мамнун бўлади.

Муносабат

Фафлат уйқусидан уйғониш керак

Ҳамма гувоҳ. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари барча-барчани гафлат уйқусидан уйғотиб, фақат бугунни эмас, эртанги кун ҳамда келажакни ўйлаш, мамлакат тарққиётини қаратиб, ҳудудда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ишларни янада жонлантириш, аҳолининг яхши яшаши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, муаммоларни бартараф қилиш, бир сўз билан айтганда, Олмазорни ҳар соҳада намунали туманга айлантириш бўйича зарур тақлиф ва тавсияларни билдирди.

Айни пайтда олмазорлик фаоллар йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалар, эътирозлар тақлифлардан келиб чиқиб, галдаги устувор вазибаларни белгилаб олишмоқда.

Оқилжон ХОЛМАТОВ, "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Халқимизда яхши аъёнлар жуда кўп. Масалан, дейлик, ҳашар, деб эълон қилинса, одамлар ҳар томондан ёрдамга ошиқади. Аммо кейинги пайтларда бу аъёна бир оз унутилаётибди. Маҳалламизнинг ёши улуглари билан келишиб, шуни йўлга қўйиш ҳаракатини қилдик. Рамазон ҳайити арафасида одамларни ҳашарга чиқариб, ҳудудимиздаги 2 та қабристонни ободонлаштирдик. Ачинарлиси шундаки, ота-боболаримиз азиз деб билган шундай масканлар ҳам эътиборимиздан четда қолган экан. Президентимиз фикри, ташаббусларидан кейин атрофдаги мавжуд ҳолатни тараққий қўра бошладик. Айни чоғда фаолиятимизни шу асосда йўлга қўйиш чораларини излаётимиз. Бу ишда эса маҳалла фаоллари ташаббуслари ва етакчи бўлиши кераклигини даврнинг ўзи талаб этлаштирди.

Абдували МАҲМЕДОВ, "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бу маҳаллага раис бўлиб тайинланганимга ўнча кўп вақт бўлмади. Ишимизни аввал йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этишдан бошладик. Илгари маҳалла яраштириш комиссиясида фаолият кўрсатганим ҳонадонлар билан ишлашда жуда кўл келмади. Бугун юртимизда кечаётган ўзгаришлар натижасида илгарилири ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган кенг қарама-қарши ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг ҳалол меҳнатга оид кўникмасини мустаҳкамлаш, улар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллада савдо шохобчаси, касба ўқитиш ва болалар учун тўғаракларни ўзда жамлаган ўқув маркази, кимёвий тозалаш шохобчаси, аёллар учун тренажёр зал ташкил этиш йўлида иш олиб борилапти. Бу эса ёшлар учун кўшимча даромад манбаидир.

Сир эмаски, бугунги кунда тезда қатта бойлик орттириш ва уни ҳаммага кўз-қўзлаш, сохта шухрат қўзониб истагидангилар, айрим ҳолларда коммунал, солиқ тўловларидан қарздорлиги қатта бўла туриб, уни тўлашдан бўйин товлаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз — маҳалла фаоллари айнан шундай ҳолатларга қарши аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича тушунтириш ишларини олиб бораётимиз.

"Халқ сўзи" ва ҲА мухбирлари ёзиб олди.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА.

Сайёрамизнинг қайсидир бурчакларида одамлар бир томчи сувга зор, айрим жойларда одамлар шўр сув ичишга мажбур эканликларини унутмайлик. Энг ёмони, менга қаттиқ таъсир қилгани — бир кун елим халтада ташлаб юборилган тўрт-бешта патир ахлатларга аралашиб ариқда оқиб келаётганини кўрганим бўлди...

бодо, ариқ суви қўлимизга тегиб қолса уйга кириб совунаб ювмиз, негаки, ҳар турли чиқиндилар уюми тикилиб ётган ариқдаги бу сув етти марта эмас, етмиш марта юмаласа ҳам тоза бўлишига ишонч қолмаган.

дек топ-тоза оқувчи сув бўйида яшаймиз, дердилар. Бугун эса... Канал қоп-қора бўтана бўлиб оқмоқда. Аҳоли эса идиш кўтариб қаерлардандир ичимлик суви излаб юришади, ичимлик суви йўқ деб шикоят ёзишдан ҳам эринишмайди. Бир маҳаллар шу каналдан ота-боболари сув ичишгани ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди. Тошкент шаҳридаги бозорлардан бири канал бошлангишида жойлашган, бир неча қорхоналар, қолаверса, канал бўйида яшовчи аҳоли ҳам барча ахлатларни шу ерга ағдараверишини қандай баҳолайсиз? Уламоларимиз кийинши, юриш-туриш, одоб билан бир қаторда, ўз ваъзаларида атроф-муҳитга бўлган маънавий масъуллик хусусида сўз айтишса, бу ҳам имондан эканлигини эслатиб туришса, қани эди. Эътиқод, энг аввало, майда амал-

Юқори даражадаги хизмат учун янги имкониятлар. (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Энди йўловчи ўтказиш ҳажми ва хизмат кўрсатиш тезлиги ошади. Бу сайёҳлар ва хорижий авиакомпанияларни жалб этиш, янги йўналишлар очишда муҳим омилдир.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Zamin Eko Agro" корхонаси галладан бўшаган майдонларга экиш учун "NS SEME" (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини тақлиф қилади:

Маккажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 10 т/га. Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синодан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган. Муваффақият уруғларини экинг...

zeo ZAMIN EKO AGRO Тошкент ш. М-39 автомагистрала. тел.: (+9987) 130-51-21, 75562155; факс: (+9987) 150-15-89. www.zeo.uz

"TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ АҲБОРОТИ. "TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ томонидан 2018 йил 21 июнь куни ўтказилган оқиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, "Ғазалкент" соғломлаштириш маркази балансидаги, давлат рақами 10/853 WAA бўлган, "ҒАЗ-3307" русумли автомашина 18 200 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади. Гувоҳнома № 005357.

"Ўзтрансгаз" АЖнинг "Фарғонагаз" филиали куйидаги харидлар бўйича тижорат тақлифлари қабул қилади: Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали 2018-2019 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари сифатли ва муддатда бажарилишини таъминлаш учун ходимларга зарур иш шароитини яратиш мақсадида газ жиҳозларига хизмат кўрсатувчи ва газ тармоқларини назорат қилувчи чилангарларга 285 (икки юз саксон беш) дона велосипед барид қилиш бўйича ушбу фаолият тури билан шугулланувчи мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат тақлифларини қабул қилади. Мазкур тақлифларни эълон чоп этилган санадан бошлаб беш кун мобайнида тақдим қилиш мумкин. Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 76-уй. Телефон: (+99873) 229-04-36.

"Ўзтрансгаз" АЖнинг "Фарғонагаз" филиали куйидаги хизматлар бўйича тижорат тақлифлари қабул қилади: Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали бинога кириб-чиқишни тартибга солиш мақсадида ва ҳар қандай хавфлардан қўриқиланишининг олдини олиш учун бинонинг кириш қисмига турникет ўрнатиб бериш бўйича ушбу фаолият тури билан шугулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат тақлифларини қабул қилади. Мазкур тақлифларни эълон чоп этилган санадан бошлаб беш кун мобайнида тақдим қилиш мумкин. Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 76-уй. Телефон: (+99873) 229-04-36. Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ҳамда Қасаба уюшма қўмитаси Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси кафедраси профессори Хондамир ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоқи келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ҲА яқуни — 04.40. Топширилди — 06.00 2 3 4 5 6